



# Ishonch

**МОҲИЯТ**  
Томирида миллий гуруҳ, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшатиб турсин.  
Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ГАЛАБАНИНГ 65 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА НОГИРОНЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 65 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг жасорати ҳамда фидойилигига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Галабанинг 65 йиллиги» юбилей медали билан мукофотлансин.
2. Мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган шахсларга 200000 (икки юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.
3. «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Галабанинг 65 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофотини топшириш маросимини Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари маҳаллий мудофаа ишлари бўлинималарининг, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг вакиллари иштирокида тантанали равишда ўтказсин.
4. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар республика бюджетидан амалга оширилсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки hafta муддатда юбилей медалларини топшириш ва пул мукофотларини тўлаш тартибини белгиласин, юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.
6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри, 2010 йил 24 март

## Тадбир

**Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги Фармони, 2006 йил 23 мартдаги ва 2008 йил 21 апрелдаги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йил 12 февралда тасдиқланган «Республикада 2010 йилда қорамоллар бош сони, гўшт ва сүт ишлаб чиқаришни кўпайтириш, зооветеринария ҳамда наслчилик сервис хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш ва яхшилаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар» дастури жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди.**



# Биз ҳам бир ёндан

Дастурда кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири жорий йилда қорамоллар бош сони, гўшт ва сүт ишлаб чиқаришни кўпайтириш, зооветеринария ҳамда наслчилик сервис хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш орқали республикада ишлаб чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотларининг ўртача чакана нархларини имкон қадар арзонлаштириш билан аҳолининг турмуш даражасини ҳамда ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилашдир.

Бу ишларни ташкил этишда тегишли вазирлик, идора ҳамда маҳаллий бошқарув органларига яқиндан туриб амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси касба уюшмалари зиммасига юкланди. Ўтган давр мобайнида жойларда ишчи гуруҳлари тузилиб, қизгин фаолият бошлаб юборилди. Ҳаракатда — баракат

деганларидек, соҳада сезиларли юксалиш кўзга ташланди. Муаммоларни ҳал этиш, ишни жўяли юритишда касба уюшма органлари меҳнат аҳлига кўмакдош бўлаётди.

Кеча ЎзКУФКнинг Мажлислар залида Республика Бош прокуратураси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига аъзо ташкилотлар фаоллари иштирокатида ушбу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар касба уюшма ташкилотлари бирлашмалари раислари, Агротехника ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси катта прокурори Рустам Нишоннов сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Ишни юритишда касба уюшма ташкилотлари фаолияти тах-

лил қилиниб, Андижон вилояти Бўш тумани (кенгаш раиси Бозорбой Бобораҳимов), Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани (кенгаш раиси Султонбой Қимсанов), Бухоро вилояти Вобкент тумани (кенгаш раиси Ражаб Тўраев) иш тажрибаси намунали деб топилди ва уларнинг фаолиятларини кенг оммалаштириш тўғрисида бир тўхтама келинди.

Ўртага ташланган саволларга атрафлиқа жавоб берилди. Мажид камчиликларга барҳам бериш ва иш кўламини янада юксалтириш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Шунингдек, чорвачиликни ривожлантиришда энг намунали ветеринария шохобчалари ва гуруҳлари орасида кўрик-танлов ўтказиш мақсада мувофиқ, деб топилди.

**Шарофат НОРКУЛОВА,**  
«Ishonch» мухбири  
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

«Ишонч»га жавоб берадилар

## «ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР»

2010 йил 18 феврал, 21-сон

**Мақолада Жарқўрган туманида 2009 йилда манзилли дастур асосида капитал реконструкция қилинган 33-сонли ҳамда 2007 йил дастурига кўра капитал таъмирланган 4-сонли умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилган куралиш ишлари якунига етказилмаганлиги кайд этилган.**

2007 йилги манзилли дастур асосида Т.Шобуров номли ширкат ҳўжалигидаги 820 ўринли 4-сонли мактаб биноси капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган.

2009 йилги манзилли дастур асосида «Гулистон» маҳалласидаги 740 ўринли 33-сонли мактаб биносидан қўриқчилик ширкати «Сурхон соҳили сув қурилиш таъмир» МЧЖ томонидан капитал реконструкция ишлари олиб борилган. Аммо ушбу қурилиш ташкилоти томонидан қурилиш-монтаж ишларини якунида сустиқашликка йўл қўйилганлиги сабабли, ишнинг давом эттириш учун «278-ХМЖ» МЧЖ билан шартнома имзоланди.

Ҳозирги кунда объектда 240 ўринли ўқув биносининг дераза ойналари ўрнатилиб, линолеум тўшаиш 100 фоиз ва асфалтлаш ишлари 97 фоизга бажарилди. Шунингдек, ўрнатилган трансформаторни электр манбаига улаш, ҳоҳатхона атрофини ва йўлакчасини асфалтлаш ишлари якунига етказилмоқда ва мактаб атрофидаги темир панжаралар ўрнатилмоқда.

Ушбу ишларнинг қисқа муддатларда якунида ишлар ҳокимлиги томонидан назорат олинди.

**Ж.САПАРОВ,**  
Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари

## Истиклолимиз уфқлари

# Фаол инвестиция — тараққиёт гарови

**Республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида гап кетганда, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммунал-хўжалик объектлари каби кўпгина соҳани янги босқичга кўтариш масалалари доимо долзарблик касб этади.**

Навоий вилоятида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг юртимиз раванқига қўшаданган улуши ниҳоятда бекиёс эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Авалло, бошланган эзгу ишларнинг истиқболли самараси сифатида эътиборингизни биргина мисолга қаратмоқчимиз: 2009 йилда Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонанинг асосий объектларидан бири бўлган «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиациямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини яратди.

Навоий аэропортдан бироз фариб сари йўналган, магистрал йўлнинг кўйи Зарафшон дарёси томонга бошланувчи икки томонлама раванқ йўналиши ҳар икки томонда мевали ва манзарали дарахлардан иборат боғ яратилмоқда. Шу йўл орқали 564 гектарлик «Эркин индустриал-иқтисодий зона» сари кириб борасиз.

Худудда 19 та лойиҳа асосида қурилиш ишлари жадал бошлаб юборилган. Турли вилоятлар қурилиш вакиллари томонидан бунёд этилаётган гигант иморатларда эзлаб моҳир уста ва муҳандислар уззукун меҳнат қилишмоқда.

Сафар давомида биринчи суҳбатдошимиз зона бош мўъмери Ойбек Очлов бўлди:

— Жалб қилинган инвесторлар асосан Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Бирлашган Араб Амириклари мамлакатлари вакиллари. Инвесторларга ишлаб чиқариш йўналишларига қараб ер майдонлари белгиланган. Амалдаги лойиҳалар асосида пластик маҳсулотлар, электроника ва электрон техникалар, машинасозлик, машина эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ва тиббиётга доир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тоza ичимлик суви «Дамхўжа Бухоро» йўналишидан, техник сув айланishi эса Зарафшон дарёсидан насослар орқали тортиб олинаётди. Чет эллик мутахассис ва ходимлар учун 120 гектарлик майдонда уй-жой қурилиши давом эттирилмоқда.

Хом ашёлар ҳаво йўллари ҳамда

темир йўл орқали ташилади. Юқлар кутиб қолмаслигини ҳисобга олган ҳолда барча шарт-шароитларга эга бўлган омборхоналар ҳам ишга туширилди.

Лойиҳа асосида қад ростлаётган заводларга сайҳат чоғида 2-3 гуруҳга бўлиниб ишлаётган ишчилар билан учрашдик.

— Сиз қўриб турган мана бу майдонлар ўтган ёзда тап-тақир чўл эди, — дейди иш бажарувчи ташкилот — Нарпай 10-қишлоқ қурилиш комбинати директори Мусулмон Эшқуватов. — Зиммамизга олган объект Ҳиндистоннинг «Мендай» компаниясига тегишли бўлиб, асосан, автомобиллар учун спидометр ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Қурилиш лойиҳасини дастлаб қўлга олиб танишганимда айрим иш турларидаги нозикликлардан сал икки қиланганим. Аммо, комбинатнинг ишчилари ҳар бир вазифани маромига етказиб уйдлашмоқда. Қурилиш икки сменада олиб бораёلمиз. Ахир заводнинг тезроқ иш бошлаши ҳаммамиз учун ҳам манфаатли-да.

Эркин индустриал-иқтисодий худудга кириб келишда ҳар икки ёнда бир-бирига монанд қилиб қурилган кўркам кўп қаватли бинога назарингиз тушади. Уларнинг бири зонанинг маъмурий биноси бўлса, яна бири молиялаштириш марказидир. Мазкур марказда Ўзбекистон Миллий банки ҳамда

халқаро банклар филиаллари иш бошлайди. Ҳар икки бино ташқи кўринишида ноанъанавий услублардан фойдаланишмоқда.

Мармар пиллапопар, сержилло устун ва пештоқлар ҳайратингизни оширади. Иш бажарувчи ташкилот — «Темурмалик» МЧЖ иш бошқарувчиси Низом Ҳосилов ишчи сифатли бажаришни хуш кўради, бошқалардан ҳам шунч талаб қилади. Абдулла Жумаев, Умар Фуломов, Фаррух Жумаев каби бош устлар айтмоқчи бўлган гапларни қошиндор жиллолар ақсида ўқийсиз.

Дарвоқе, мазкур босқичдаги лойиҳалар бўйича барча заводлар ишга тушиб, тўла қувват билан ишлаб боради. Қанчадан-қанча одам 19 та лойиҳа асосида заводларнинг ишга туширилиши, «Кореан Эйр» компанияси таркибининг тобора кенгайтирилиши, 2-босқич ниҳоясидан самарали баҳамжихатлик натижасидан доимий иш ўринлари билан таъминланади. Олинаётган даромад эса халқимиз эҳтиёжларини таъминлаш ва мамлакатимиз раванқий йўлида хизмат қилади.

**Мансур АЛОВУДИНОВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Жиноятга жазо муқаррар

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрининг «Маърифат» маҳалласида яшовчи муқаддам судланган фуқаро Ф.Қўчмуродов фуқаролар Б.Шукуров ва Б.Аҳмедов билан тил бириктириб, яна жиноят қўчасига қадам қўйди. Улар ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикаси ақсиз марказисиз жами 48 минг 480 қути, умумий қиймати 43 млн. 632 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги «PINE» тамакис маҳсулотларини айланма йўллар орқали республикага олиб қирган.

Сирдарё сивов ва сертификатлаш маркази Давлат корхонасининг ҳулосасига кўра, улар келтирган «PINE» сигаретлари сифатсиз бўлиб, хавфсизлик талабларига мутлақо жавоб бермас экан.

Бузқўнинг юргургани сомонхонагача деганларидек, суд жиноятчилар устидан ўз ҳукмини ўқиди. Истеъмолга яроқсиз тамакис маҳсулотлари тегишли тартибда йўқ қилинди.

**Мирза МАДРАИМОВ,**  
Ўзбекистон Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖДДҚК департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси бўлим катта инспектори, адлия кичик маслаҳатчиси



## Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Бунёдкор халқимиз ва тармоқ  
ходимларини қадриятларимизни

тараннум этувчи

Наврўзи олам билан  
самимий қутлайди.

Юртимиз шухрати  
янада зиёда бўлсин!

## САМАРҚАНА ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Ҳар бир юртдошимизни баҳорнинг гўзал  
байрамларидан бўлган Наврўз билан қутлайди.  
Орзулар ижобат бўлиб, эзгу амаллар рўёбга  
чиқишини тилаб қолади!

Вилоятда 2009 йил ёзги соғломлаштириш  
мавсумида режадаги 16 минг 460 нафар ўрнига  
17 минг 197 нафар бола дам олдирилди.

1744 нафар кам таъминланган, кўп болали,  
ёлғиз оналар фарзандлари, 123 нафар Меҳри-  
бонлик уйларининг тарбияланувчилари бепул  
соғломлаштирилди. Жами дам олдирилганлар-  
дан 9 минг 867 нафари қишлоқ меҳнаткашлари-  
нинг фарзандларидир.

Санаторийларда 1781 нафар ходим соғлом-  
лаштирилди. 198 нафар ногиронлар, меҳнат ва  
уруш фахрийлари, байналмилалчи жангчилар,  
Чернобил ҳалокати қатнашчиларига йўлланма-  
лар бепул ажратилди. Ҳисобот йилида вилоят  
касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт  
жамияти ва унга қарашли спорт мактабларига  
99,5 млн. сўм маблағ ажратди.

Вилоятда 12 минг 976 та жамоа шартномала-  
ри қабул қилинган бўлиб, уларга асосан вилоят  
бўйича 489 минг 112 нафар касаба уюшма  
аъзоларининг ижтимоий ҳимояси таъминлан-  
моқда.

Кам таъминланган, ночор оилаларга касаба  
уюшма бюджети ҳисобидан 251,5 млн. сўм  
миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшмалари кенгашлари ва вакиллик-  
лари меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий  
ҳимояси масалаларига алоҳида эътибор берган  
ҳолда ҳисобот даврида муурожаат этган 2185  
нафар фуқаронинг талабини кўриб чиқиб, 2034  
тасини ижобий ҳал этишди.

## Жиззах вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Мамлакатимизнинг  
фуқароларини Наврўз  
байрами билан  
самимий муборакбод  
этиб, уларга  
сиҳат-саломатлик,  
узоқ умр, бахт-саодат  
ёр бўлишини тилайди.

## Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Эл саломатлиги йўлида фиғойчилик  
билан меҳнат қилаётган ҳамкасбларни,  
мамлакат тараққиёти учун курашаётган  
юртдошларимизни қутлуғ шоғиёна

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади!

Баркамол авлод йилида мамлакатимиз  
куч-қудрати янада мустаҳкам бўлиб,  
халқимизнинг турмуш тарзи бундан-га  
фаровонлашсин!

Туман тиббиёт бирлашмаси касаба  
уюшма кўмитасига 22 та касалхона бўлими, 55 та ҚВП ва  
3 та хусусий шифохона шохобчасида ишловчи 2659 нафар ходим  
аъзо қилиб олинган. Уларнинг 1856 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.  
Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояланиши, уларни соғломлашти-  
риш, иш, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, фарзандларига гамхўрлик  
кўрсатиш касаба уюшма кўмитасининг диққат марказида.  
2009 йилда жамоа шартномаси битими учун 7 млн. 600 минг сўм сарфланди. Республика  
миқёсидаги зиёратхоналарга саёҳат уюштириш учун ходимларга 660 минг сўм, кам таъминлан-  
ган аъзоларнинг болаларига ўқув қуроллари олиб бериш учун 1 млн. сўм, иқтисодий кам  
таъминланган ходимларга моддий ёрдам бериш учун 1,9 млн. сўмдан ортиқ, ходимлар  
фарзандларини ёзги оромгоҳларда дам олдириш учун 355,5 минг сўм маблағ сарфланди.  
— 2010 йилдаги ишларимиз кўлами янада кенг, — дейди ТТБ касаба уюшма кўми-  
таси раиси Фазлиддин Ҳамидов. — Янги жамоа шартномаси қабул қилинди.  
Бўлим ва ҚВПларда ҳисобот сайловлари ўтказилди. Хотин-қизлар байра-  
ми арафасида яхши натижаларга эришган ва кам таъминланган  
аёлларга касаба уюшма томонидан 1 млн. сўмлик ёрдам берилди.

Вилоят тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ўз сафига 103 минг 367 нафар аъзони бирлаштирган  
бўлиб, улар мамлакатимиз таълим ва фан тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар жабҳасида ол-  
динги сафларда боришяпти.

Вилоятдаги 2 та олий ўқув юрти, 73 та коллеж ва академик лицейларда таҳсил олаётган 63  
мингга яқин ёшлар касаба уюшма ташкилотларига бирлашиб, «Баркамол авлод йили» Давлат  
дастури ижросидан баҳраманд бўлишяпти.

Байрам муносабати билан вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши ва жойлардаги касаба уюшма таш-  
килотлари кам таъминланган, муҳтож оилаларга меҳр-муруват кўрсатмоқдалар.

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгаши йиғилишининг 2010 йил 11 мартдаги баёнида тизимда олиб борилаётган ишлар ва истикболдаги режалар ҳусусида атрофлича тўхталиб ўтилган эди. Жамғарманинг Тошкент шаҳар филиали директори вазифасини бажарувчи Анвар Мурсақулов шу муносабат билан мухбиримизга қуйдагиларни гапириб берди:**



турли спорт тadbирлари ва мусобақалар ўтказилди. Кези келганда Болалар спорт мажмуаларида ҳафтанинг шанба кунлари «Очк шиклар кун» тadbирлари ташкил этилганлигини таъкидлашни истардим.

Хабарингиз бор, ўтган йили Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларида Тошкент шаҳри жамоаси 297 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади.

Жамоамиз тadbирнинг бош соврини — мусобақа голибларига Республика Президенти йўллаган табрикнинг асл хусуси ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди. Бу пойтахт жамоасининг кетма-кет 4-мартта 1-ўринни эгаллашди.

Бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, енгил атлетика, сузиш, шахмат, волейбол (ўғил болалар), баскетбол (ўғил болалар), волейбол



фари хотин-қизларни ташкил этади.

Ўтган йилнинг якунига қўра, Тошкент шаҳрида 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшлар, яъни умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 459941 нафар (245840 нафари қизлар) ўқувчиларидан 14,8 фоизи, яъни 68107 нафари ҳафтасига уч марта, икки академик соатдан кам бўлмаган давомийликдаги ўқув машғулотида спорт билан шуғулланишга апти. Шундан 25192 нафари (10,2 фоиз) ўқувчи-қизларни ташкил этади.

Шунингдек, турли байрамларга бағишлаб, болалар спорт мажмуаларида тарбияланувчилар ўртасида мусобақалар ўтказиш аънаанага айланган. Шундай тadbирлардан бири 27 март кун Чилонзор туманидаги «Чилонзор» болалар спорт мажмуасида 1996-1997 йилларда туғилган ўқувчи ёшлар ўртасида спортнинг баскетбол, футбол, стол теннис, «Қувнок» спорт-тартиб, бадминтон, шахмат турлари бўйича ташкил этилди. Шу билан бирга, тadbирда 2009 йил мобайнида болалар спорт мажмуаларида 1995-1998 йилларда туғилган ўғил болалар футбол жамоалари ўртасида ўтказилган «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кубоги» голибларини тақдирлаш ҳамда жамғарма томонидан 2004-2007 йилларда куриб фойдаланишга топширилган спорт

**Мажмуа ҳамиша гавжум**

Гузур тумани Чаноқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда болалар спорт мажмуаси курилиб фойдаланишга топширилган эди. Бугунги кунда ушбу масканда 500га яқин болалар спортнинг волейбол, футбол, баскетбол, қўл тўпи, кураш, каратэ, тэквондо, стол теннис, шахмат ва шашка, бокс турлари билан шуғулланишга апти.

Уларга 15 нафар малакали мураббий спорт сирларини ўргатишмоқда. — Чаноқ, Батош, Оқбўйин қишлоқларининг спортга қизиқувчи ёшлари орасидан келгусида доврўкли спортчилар этиши чиқишига ишончимиз комил, — дейди мажмуа директори ўринбосари Ҳамза Қурбанов. — Чунки уларнинг маҳоратларини ошириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

**Совриндорлар**

Қарши шаҳридаги БЎСМ ҳузурдаги бадий гимнастика тўғраги фаолият кўрсатаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Тажрибали спорт устаси Вера Катаева раҳбарлик қилаётган ёш гимнастикачилар нафақат вилоят ва республика чемпионатларида, халқаро турнирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Тиниб-тинчимас мураббийнинг шогирдлари Луиза Фаниева, Севара Қобулова, Азиза Мирзаева сингари иқтидорли гимнастикачиларнинг қўли ҳамиша баланд келапти.

— Айниқса, бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси Луиза Фаниева билан фахрланамиз, — дейди Вера опа қувонч билан. — Бир неча халқаро турнирлар иштирокчиси бўлган бу киз республика гимнастикачилари сафида Германияда ўтказилган турнирда олтин медални қўлга киритган эди. Феврал ойида Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида Луиза аъзо бўлган республика жамоаси юксак натижаларга эришди.

**«Ёш оила» маслаҳатхонаси**

«Қамолот» ЕИҲ вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган «Ёш оила» маслаҳатхонасида навқирон авлод вақиларининг турмуш тарзи ва оилавий ҳаётига оид суҳбатлар тез-тез ўтказиб турилади.

Айниқса, «Ёшлар муаммолари ва ечимлари», «Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатлари», «Ёш оилалар учун имтиёзли кредитлар», «Баркамол авлод — миллат келажак» мавзуларидаги давра суҳбатлари қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мулоқотларда йигит-қизларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганиш ва ечимини топиш, ёт фоярлардан асраш, улар оғид маънавий-ғоявий иммунитетни шакллантириш тўғрисида фикр юритилади.

Давра суҳбатлари интерфакс усулида ўтказилиб, йигит-қизларнинг тиббий, психологик, диний, ҳуқуқий, иқтисодий билимлари синиб кўрилади.

**Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

**Эртამиз эгаларига эътибор**

— Маълумки, жамғарма тadbирлари жалб қилинаётган аҳоли қатлами асосан воёга етмаган ёшлардир. Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган болалар спорт мажмуаларида футбол, баскетбол, волейбол, стол теннис, бадий гимнастика, турон кураши, велоспорт, камондан ўқ отиш, енгил атлетика, қўл тўпи, бокс, миллий кураш, самбо, дзюдо, акробатика, гимнастика, спорт гимнастикаси, теннис, каратэ, тэквондо, ҳакидо, бадминтон, спорт рақси, бодибилдинг ва бошқа спорт турларидан тўғарақлар ташкил этилиб, мунтазам фаолият кўрсатиб келапти.

Жамғармамизнинг 2009 йил манзиллий дастурига киритилган 2 та янги курилиш, 1 та мусиқа мактабининг капитал реконструкцияси, 1 та мактабда куриладиган спорт зали ва 6 та сузиш ҳавзасини капитал таъмирлаш ишлари белгиланган мuddатларда якунлиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан: Юнусобод тумани Ҳасанбой мавзесидаги намунавий лойиҳа асосида курилган янги болалар спорт мажмуаси, Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-1 «Юбилейний» кўчасидаги янги ёпиқ сузиш ҳавзаси, Шайхонтоҳур туманидаги 42-мактабга қўшимча спорт зали, Мирзо Улуғбек туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг реконструкция ишлари, Сирғали туманидаги 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби сузиш ҳавзаси, Яққасарой туманидаги 160-мактаб сузиш ҳавзаси, Ҳамза туманидаги 206-мактаб сузиш ҳавзаси, Учтепа туманидаги 44-мактаб ва Коммунал-курилиш коллежи сузиш ҳавзалари ва Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» спорт мажмуаси сузиш ҳавзасининг капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда болалар ихтиёрига топширилган спорт мажмуаларининг жўғрофий ҳолати, аҳоли зичлиги, ҳудудда ўқув муассасалари жойлашуви эътиборга олинган ҳолда, маҳаллий ҳокимият талаби ва тақлифларидан келиб чиқиб бунёд этилаётган спорт иншоотлари самарадорлигини таъминлаш мезонидир.

Туманларда жейлашган спорт мажмуалари ҳамда умумтаълим мактаб спорт заллари мунтазам равишда қизгин фаолият билан камраб олинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида

жамғарма томонидан 674 та спорт мусобақалари ўтказилиб, уларда 86433 нафар ўқувчи ёшлар спорт тadbирларига жалб этилди. Шулардан 34303 нафари қизлардир.

Тошкент шаҳрида бугунги кунда 16 та намунавий лойиҳа асосида

(қиз болалар), баскетбол (қиз болалар) жамоалари барча босқичларда 1-ўринни қўлга киритган бўлса, «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақалари иштирокчиларидан шаҳримизнинг сузиш жамоаси аъзолари Мафтуна Тўхтасинова 4 та, Юлдуз Қўчқорова 4 та олтин, Алфия Гинаева 3 та олтин ва 1 та кумуш, Камола Солиҳова 2 та кумуш ва 1 та бронза медаллари билан жамоамиз медаллар захирасини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшишди. Бадий гимнастика жамоаси аъзоларидан Сарвиноз Солиҳова ва Азиза Мамажоновалар 3 тадан ол-



тин медал соҳибасига айландилар. Албатта, маҳорат ўз-ўзидан эгалланмайди. Бунда мураббийларнинг ўрни катта.

Халқ таълими Бош бошқармаси тизимидаги 293 та умумтаълим мактабидан 740 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси болаларнинг ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлишлари учун меҳнат қилапти. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва жисмоний тайёргарлик клубларида эса 493 нафар мураббий спортнинг 43 тури бўйича ёшларга машғулот ўтишмоқда. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 60 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси ва спорт мактаблари мураббийлари қайта тайёрланди. Шундан 21 на-



иншоотларига баскетбол топқокларини тарқатиш маросими ҳам ўтказилди. Тadbирдан қўзланган яна бир мақсад «Наврўз» таомлари сумалак, кўксомса, болаларга байрам оши тарқатилди.

Тadbир доирасида концерт дастури намойиш этилиб, Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёти марказининг ашула-рақс дасталари ва доирчилар ансамбли уларнинг чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Тadbир сўнгида мусобақа голиб ва совриндорлари эсдалик совғалари ва диплом билан тақдирланди.

**Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар**

**Маълумот ўрнида:**

— Тақвим режага асосан Тошкент шаҳрида 674 та турли спорт тadbирлари ташкиллаштирилди. Мусобақалар сони 2008 йилга нисбатан 50 тага ёки 8 фоизга ошди.

— Тошкент шаҳрида 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшларнинг 181 162 нафари, яъни 39,4 фоизи жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равишда шуғулланиб келмоқда. Бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 2,1 фоизга ўсганлигини кўрсатади.

— Қизларимиз учун энг нафис спорт тури бўлган бадий гимнастика билан шуғулланувчилар сони ўтган йилларга нисбатан 14 фоизга ошди.

— 2009 йилда воёга етмаганлар ва улар иштирокида содир этилган жиноятлар сони 2008 йилга нисбатан 12 фоизга камайди.

— 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ўртасида 2008 йилга нисбатан, 2009 йилда бўй ўсишида белгиланган меъёрдан ортда қолиш кўрсаткичи 0,3 фоизга, вазида ортда қолиш кўрсаткичи 0,5 фоизга камайди.

— Халқ таълими тизимида профессионал спортга захира ўринларини яратиб бериш мақсадида ташкил этилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони 32 тага өтди. Янги ташкил қилинган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида спортнинг асосий 43 та тури ривожлантирилиши белгиланган.



**«O'ZELEKTROMONTAJ»**  
очик акциядорлик жамиятининг  
**«TOSHELEKTROMONTAJ»**  
шўба хўжалик жамияти  
**«TOSHELEKTROMONTAJ»**  
масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди. Шу муносабат билан унинг Устав жамғармаси ошганлиги маълум қилинади.

1. «Respublika Mulk-Auksioni» ДК «Ishonch» газетасининг 2010 йил 21 январдаги 9 (2734)-сонидagi эълонда Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, «Май» КФЙ ҳудудда жойлашган «Туркистон» ДУКга қарашли мол-мулклар танлов савдоларига қўйилганлигини хабар қилган эди. «Туркистон» ДУК тугатиш иши гуруҳ раҳбари М.Камаловнинг 2010 йил 10 мартдаги 29-сонли хатига асосан «Туркистон» ДУК мол-мулклари танлов савдоларидан ечилганлигини маълум қиламиз.

2. «Respublika Mulk-Auksioni» ДК «Ishonch» газетасининг 2010 йил 21 январдаги 9(2734)-сон ва 16 февралдаги 20(2745)-сонидagi эълонда Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, Тўзел КФЙ, Искандар ф/х ҳудудда жойлашган 21 та ер майдонлари мерос қилиб қолдириш ва умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи аукцион савдоларига қўйилганлигини хабар қилган эди. ДМК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2010 йил 19 мартдаги 50-Д-сонли буйруғига асосан мазкур ер майдонлари аукцион савдоларидан ечилганлигини маълум қиламиз.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй, Давлат мулк қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали.  
Телефон: 239-83-82, Факс: 150-34-46

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ касба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Қаршибой Эшназаровга ўғли **ҒОҒҒУРЖОННИНГ** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Сирдарё вилоят Кенгаши ва туман, шаҳар бирлашган касба уюшма қўмиталари жамоалари таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Қаршибой Эшназаровга ўғли **ҒОҒҒУРЖОННИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия иҳзор этади.

АСМ ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси кенгашининг Қўшработ тумани бўйича вакили Мамарасул Эргашевга ақаси **Тошнингиз КУРДАШЕВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**Insonga naf keltirish**  
OLY BAXT

**Muassis:**  
**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**

**Bosh muharrir:**  
**Abduxoliq Abdurazzoqov**

**Tahrir hay'ati:**  
**Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV**  
(Bosh muharrir o'rinbosari), **Jahongir SHAROFBOYEV**  
(Mas'ul kotib), **Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AliyOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysulov NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONOBYEV**

**Bo'limlar:**  
**Kasaba uyushmalari hayoti** 256-87-63  
**Huquq va xalqaro hayot** 256-03-90  
**Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat** 256-87-74  
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** 256-82-79  
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** 256-85-43  
**Reklama va e'lonlar** 256-87-73

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail: mail@Ishonch.uz

**Nashr ko'rsatkichi:**  
133

**Navbatchi muharrir:**  
**D.Rahmonova**  
Navbatchi:  
**Sh.Abdusamadov**  
Musahhih:  
**N.Rahimova**

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.**  
Sahifalovchi: **H.Abdujalilov**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**  
Korxonasi manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-maqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Muxallif fikr tahririyat nuqtai nazaridan farg'ajani matnlar.

**Тijorat munitallari**  
Bosishga topshirish vaqti - 21.00.  
Topshirildi - 22.00

**Буюртма Г — 252**  
20706 nuxxada bosildi  
ISSN 2010-8002  
2 | 3 | 4 | 5